Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига

Президент Жаноблари, Азиз Дўстим,

Франциянинг саноат бўйича Давлат котибининг Тошкентга муҳим ташрифи Франция билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ҳамкорликни ривожлантиришга катта аҳамият бераётганлигимни яна бир бор таъкидлаш имконини берди.

Косоводаги тангликни бартараф этишда қатнашаётган Европа Иттифоқидаги бошқа давлатлар ва ҳукуматларнинг бошлиқлари каби, Болқондаги вазиятнинг ривожи сабабли чет мамлакатларга қиладиган сафарларимнинг кўпчилигини бирмунча кейинроқ муддатларга кечиктиришга мажбур бўлдим. Шунга қарамай, Сизнинг лутфан қилган таклифингизга жавобан Марказий Осиёга бориш ниятимни унутмаяпман, мамлакатингизда бўлишга розилигимни яна бир бор тасдиқлайман.

Мана бир неча йиллар мобайнида бизнинг икки томонлама муносабатларимиз муваффақиятли ривожланиб, мамлакатларимиз ўртасидаги товар айланиши даражаси муттасил ўсиб бораётганлигидан хурсандман. Ишончим комилки, жаноб Кристиан Пьерренинг шу йил 11-12 июнь кунлари Тошкентга қиладиган сафари иқтисодий ҳамкорлигимизни мустаҳкамлашга кўмаклашади.

Муносабатларимизнинг шундай ижобий ривожланиши Сизнинг ўз мамлакатингизни дунёга, хусусан Европага очиш истагингиз туфайли мумкин бўлиб қолди. Шу муносабат билан мен Европа Иттифоқи билан Ўзбекистон ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида биз 1996 йил Флоренцияда имзолаган Битим кучга кирганлиги билан табриклайман.

Президент Жаноблари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Камоли эҳтиром билан,

Жак ШИРАК,
Франция Республикаси Президенти

Париж, 1999 йил 7 июнь.

Ҳоким соврин қўйди

Наманган шаҳридаги «Дўстлик» спорт мажмуида вилоят ҳокимининг кубоги учун теннис бўйича биринчи турнир бошланди.

Вилоятда бу спорт тури оммалашиб боряпти. Жумладан, мазкур мусобақага туманларнинг ҳокимлари, ўринбосарлари, 70 дан ортиқ ташкилот ва корхоналарнинг раҳбар ва мутахассислари, кўп сонли ишқибозлар қатнашмоқдалар.

Вилоят ҳокими, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Т. Жабборов турнир очилишидаги нутқида ҳар бир меҳнат жамоасида спорт билан ошналикни кучайтириш зарурлигини таъкидлади.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Комбайнлар далага чиқди

Жиззахлик деҳқонлар бу йил давлат буюртмаси бўйича 230 минг тонна дон тайёрлашни режалаштирганлар.

Айни пайтда шу режага яраша ҳосил тўпланди. Галдаги вазифа — ғаллани нес-нобуд қилмасдан қисқа муддатларда йиғиштириб олиш.

Ҳозир вилоятда 120 та «Кейс» дон ўриш комбайнлари мавжуд. Шунингдек, ўрим-йиғимга 482 та оддий комбайнлар ҳам жалб этилган.

Ўрим-йиғимни намунали ўтказиш учун иш уч сменада ташкил этилган. Ҳар битта «Кейс»га 3 тадан оператор бирлаштирилган. Ҳар 3 «Кейс»дан иборат отрядлар тузилиб, уларга дон ташиш учун 2 тадан юк ташиш машинаси ажратилди. Ўрим-йиғимда иш суръатини ошириш, механизаторларга етарли шарт-шароитлар яратиш, дон исрофгарчилигининг олдини олиш, ўрим иштирокчиларини рағбатлантириб бориш ҳақида тадбирлар қабул қилинди.

Абдусаттор СОДИҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 15 июнь, сешанба • № 70 (24.465).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Театрлар биттага кўпайди

Кейинги йилларда мамлакатимизда театр санъатига давлат миқёсида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда фаолият кўрсатаётган 36 та профессионал театр ва театр студиялари яна биттага кўпайди. Яқинда Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театри биносида «Антиқа» театр-студиясининг тақдимоти бўлиб ўтди. Мазкур театр студияси «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси таркибидаги «Буюк сиймолар» маркази қошида ташкил этилди.

Театр-студиянинг антиқа томошалари кулгу ва юмор руҳи билан суғорилган бўлиб, ёшлар маънавиятини бойитиш, улар бўш вақтини сермазмун ўтказиб, халққа хизмат кўрсатишга қаратилган.

Неъматулло МУҲАМЕДОВ

Заршуносларнинг сафари

Сирдарё вилояти Ховос тумани пиллакорлари об-ҳаво қийинчиликларини тадбиркорлик билан бартараф этиб, 13400 килограмм сара пилла топширдилар ва давлат буюртмасини уддаладилар.

Бу муваффақиятга «Фарҳод» ширкат хўжалиги 5600 килограмм, «Навбаҳор» ширкатлар уюшмаси 4100 килограмм пилла топшириб салмоқли ҳисса қўшдилар.

Пилла топшириш давом этяпти.

Юнус ЗИЁДОВ

Меҳнат қадр топгач...

Барака меҳнатда, тадбиркорликда. Бу йилги табиий қийинчиликларни зўр матонат билан енгган қашқадарёлик пиллакорлар буни амалда исботладилар. Жами 37486 қути, жумладан 6,5 минг қути қурт уруғини парвариш қилиб, 1790 тонна пилла топширдилар. Шартнома режаси ошириб адо этилди. Ҳосилдорлик вилоят бўйича 53 килограмм, Шаҳрисабз туманида 59,7, Касби туманида 61,5 килограммни ташкил этди. Хирмонга Китоб, Яккабоғ, Қарши, Қамаши, Чироқчи, Косон тумани пиллакорлари катта улуш қўшдилар. Пиллакор меҳнатини тақдирлашга катта эътибор қаратилмоқда. Шаҳрисабз, Китоб туманлари пилла тайёрлаш ҳиссадорлик жамиятлари ҳатто бу йил топширилган пилланинг 65-70 фоиз ҳақини ҳам тўлаб қўйишди. Улар пиллакор кўмир, қоғоз, дориларга сарфлаган маблағининг 50 фоизини тўлашни ҳам зиммаларига олишди. Демак, муваффақиятлар манфаатдорликдадир. Воҳа пиллакорлари хирмонга яна 100 тонна пилла топширишмоқчи.

Ўз мухбиримиз

Қоракўлда духоба ишлаб чиқарилади

Бухоро вилояти маҳаллий саноат ҳиссадорлик компаниясининг Қоракўлдаги «Ҳунарманд» масъулияти чекланган жамияти ҳузурида чоғроқ тўқув фабрикаси ишга тушди. Илгари мебель фабрикаси бўлиб, узоқ йиллар ташландиқ ҳолга келиб қолган бино таъмирланиб, унга 24 та тўқув дастгоҳи ўрнатилди. Ва, ҳар ойда 20 минг метр қалин мато ишлаб чиқариш имкони юзага келди.

— Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга талабгорлар аниқ, — дейди фабрика директори Баҳодир Исмоилов. — Компаниянинг туманлардаги бўлимларида фаолият кўрсатаётган тикувчилик цехларида ишчилар учун қўлқоплар, коржомалар тикилади. Учинчи чоракка бориб фабрика цехлари янада кенгаяди. Оҳорлаш, бўяш, тикиш цехлари ишга туширилиб, бахмал (духоба) тўқила бошланади. Бу эса «Зардўз» ҳиссадорлик жамияти учун, айниқса қўл келади. Энди зардўзлар турли рангдаги духобани Самарқанд ва Хоразмдан эмас, балки биздан оладилар.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Қаловини топганлар

Ўзбекистондаги кўплаб саноат корхоналар учун зарур бўлган олтингугурт, доломит, гипс тоши, ганч ва бошқа маҳсулотлар чет эллардан катта харажат ва валюта эвазига келтирилади. Яқиндан буён шундай маҳсулотларнинг анчагина қисми Фарғона вилояти Шўрсув шаҳарчасидаги очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида ишлаб чиқарила бошланди. Йил бошидан буён мамлакатимиз ишлаб чиқариш корхоналарига 7300 тоннадан зиёд олтингугурт ва бошқа хомашё маҳсулотлари етказиб берилди. Йил охиригача эса 60 минг тонна гипс тоши, 1000 тонна ганч, 20 минг тонна доломит етказиб бериш режалаштирилган. Корхонада янгиликка, ташаббускорликка интилиш кучли. Масалан, тайёр маҳсулотни истеъмолчиларга юбориш учун корхонага кунига 3 мингта қоп керак бўлади. Бу қоплар эса бошқа корхоналардан сотиб олинар эди. Ишни енгиллаштириш ва маҳсулот таннархини арзонлаштириш мақсадида бу ерда қоп тикиш цехи ташкил этилди.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1999 йил 15 июндан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади*

1 Австралия доллари	80,10	10 Люксембург франки	31,41
1 Австрия шиллинги	9,21	1 Малайзия рингги	31,77
1 Англия фунт стерлинги	194,00	1 Германия маркаси	64,79
10 Бельгия франки	31,41	1 Польша злотийси	30,75
1 Голландия гульдени	57,50	1 СДР	162,98
10 Греция драхмаси	3,91	1000 Туркия лираси	0,29
1 Дания кронаси	17,06	1 Финляндия маркаси	21,31
1 БАА дирхами	32,87	1 Франция франки	19,32
1 АҚШ доллари	120,72	1 Швейцария франки	79,36
1 Миср фунти	35,44	1 ЕВРО	126,72
10 Испания песети	7,62	10 Жанубий Корея вони	1,03
100 Италия лираси	6,54	10 Япония иенаси	10,19
1 Канада доллари	82,74	1 Россия рубли	4,97
1 Хитой юани	14,58	1 Украина гривнаси	30,75

***)Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

Икром ҲАСАНОВ олган сурат

Бу дунёнинг ишлари

Қўмондонлар музокараси

Косово ҳудудига кириб борган Россия тинчлик ўрнатувчи кучлари илғор отрядининг қўмондони генерал-полковник Виктор Заварзин кейинги икки сутка мобайнида Серб вилоятидаги халқаро тинчликпарвар кучлар қўмондони Британия генерал-лейтенанти Майк Жексон билан икки марта учрашди.

Бугун уларнинг суҳбати Приштиндаги «Слатина» аэродроми яқинида жойлашган Югославия армиясининг казармаларидан бирида бўлиб ўтди. Музокара ёпиқ эшиклар ортида ўтказилди. Бироқ, ҳозирда Россия қўшинлари эгаллаб турган аэродромдан биргаликда фойдаланиш масаласи суҳбатнинг асосий мавзуси эканлиги РИА «Новости» мухбирига маълум бўлди.

Ушбу музокара натижалари ҳақида бошқа маълумотлар йўқ. Илгари НАТО қўмондонлиги бу аэродромга генерал Жексон штабини жойлаштиришни режалаштирган эди.

Расмий делегация сафари

АҚШ Хитойга расмий делегация юборадиган бўлди. У НАТОнинг Югославияга қарши ҳарбий ҳаракатлари чоғида ХХРнинг Белграддаги элчихонасига ракета зарбаси урилгани бўйича изоҳ беради. Хитой элчихонаси биносига ракета тушиши оқибатида уч киши ҳалок бўлган. АҚШ давлат котиби ўринбосари раҳбарлигидаги уч кишидан иборат АҚШ делегацияси Пекин маъмурларига воқеа қандай содир бўлганини тушунтирадилар ва бу хато эканлигини таъкидлайдилар. Элчихонага бомба тушиши хитойликларнинг қаҳр-ғазабини уйғотди ва улар буни америкаликларнинг атайин қилган зарбаси деб баҳоламоқдалар.

Партиялар кураши қизғин тус оляпти

Европа парламентига сайловларда ўнг-центристик партия социалистлардан устунликка эришади. Дастлабки натижаларга кўра, асосий ғолиб — Европа халқ партиясидир. Чамаси, у социалистлардан ўттизтагача ўринни олиб қўядиганга ўхшайди. Бу эса ҳокимиятда тарихий силжиш рўй беришидан даракдир. Ўнг партиялар бошқарадиган Европа парламенти бўлғуси Европа Иттифоқи ҳақида эҳтиёткорона музокаралар олиб бораётган кўпгина Европа мамлакатлари ҳукуматлари билан бутунлай тескари бўлиб қолиши мумкин, деб таъкилайди Брюссельдаги Би-Би-Си мухбири. Сўл кучлар Германияда, Британия ва Грециядa қўллаб-қувватланишдан маҳрум бўлдилар, бироқ Франция, Португалия ва Испанияда социалистик партиялар ўз мавқеларини эгаллаб туришибди. Яшиллар партияси вакиллари ҳам кўпгина янги ўринларга эга бўлиши кутилмоқда.

«Кексайганда... ёшардик!»

булар қуруқ сўз эмас, амалий ишларда кўринятпи

...Кўзи очиқ одам кўради, қулоғи соғлом бўлса эшитади. Эл — эл-да! Ростини айтади. Бир оғиз ёлғони йўқ.

Элнинг тўй-маъракаларида қатнашаман. Давраларда одамлар сиёсатдан, иқтисоддан баҳслашишга ишқибозроқ. Фақат кўр-кўрона ишлайдиган замонлар ўтган. Одамлар нима учун ишлаётгани, яшаётганини билишади. Аниқроғи, энди билиб олишяпти.

Ахир истиқлол туғини кўтарганимизга атиги саккиз йил бўляпти. Ушбу лавҳалар бир қишлоқ кишилари ҳаёти, ўй-фикрлари, қарашларидан оддий мисол — уларда мустақиллик берган бахт-саодат насимлари мужассам.

«Президентимдан айланай!»

... Ҳожи мўтай яқин амаким бўладилар. Меҳнаткаш одам. Бир этак болаларини ҳалол меҳнати билан боқаётган деҳқон.

Давраларда эккан пахтасини, буғдойини бир одам мақтаса ўша — Ҳожи мўтай. «Ҳа, чиғитми? Униб чиқди, қарасангиз далага арқон ташлагандай!

Бу йил қирқ центнердан кам бersам, тўйларингга айтманглар...»

Ҳожи ака уч-тўрт гектарда деҳқончилик қилиб ўрганган. Пахтасиям бор, буғдойи ҳам. Хўжаликда ишлар тиғиз келиб, техника етишмай қолганида ўзи махсус ясаган ускуна билан ғўзасига ишлов берадиган, ишлаб чарчамайдиган феъли бор-да. Агар биров бутун далага қўл билан маҳаллий ўғит тўкибди деса ишонинг — шу Ҳожи ака бўлади. Бўй етиб қолган фарзандларини далага бошлаб, баҳордан кеч кузгача пайкалда умри ўтадики, зорланмайди.

«Бундай ишлашга эмин-эркинлик берган Президентимдан айланай!» Ҳожи аканинг тилидан шу сўзлар тушмайди.

... Икки йил муқаддам элни йиғиб ош берди — Пайғамбар ёшидан ўтганига шукроналар айтди. Элнинг қарилари дуо қилишди.

Ўтган йили олти хоналик иморат тиклади. Эл ҳашарга келди — ўн беш кунда иморат тикланди. Олтмиш беш ёшга кирибдики, қачонлардир — эллик йилким авваллар отаси тиклаган эски иморатда умри кечаётганди. «Мана истиқлол боисдан қўлимиз ҳар нарсага етадиган бўлди — болаларимга иморат тиклаб бердим. Ёғоч ўзимдан чиқди. Агар истиқлол бўлмаганда умримда иморат солмасдан ўтармидим...»

Истиқлолга ана шундай ғайратли кексалар ҳам кирди. Ҳали анча тетик. Ўғилларини уйли-жойли қилган. Бир этак набиралари бор. Давлат нафақа бериб қўйибди. Ишламасдан тинчгина аччиқ чойини ичиб ётса бўларди-ю...

«Роса ишлайдиган замонлар келди. Ҳалол ишла — қаддингни ур!»

Бу умрининг қирқ йилдан зиёдроғини колхозга адо қилган қариянинг сўзи.

Истиқлол мевалари

рак!

«Мен ишламай, ким ишласин!»

Эгам бува етмиш бешга

Вақтида бригадир бўлди — режаларни уддаласада сўкиш эшитди. Ўн-ўн беш дона хўжалик ерида ўстирган қовуни ҳосилини сотаётганда Хазорасп бозорда «облхэс» деган балои азимга тушиб, судланди ҳам...

«Шўро бизни қулдай ишлатди. Йил-ўн икки ой дала бошида умринг ўтар, кеч кузда хирмон уюлганда кўнглига тушганини берар, кейин ҳаммаси қайтадан бошланарди. Бизлар на ернинг, на хўжаликнинг эгаси эдик. Бизнинг бор бойлигимиз — кирза этигимиз, оғир кетмонимиз ва қуруқ ҳамёнимиз эди. Мана энди ҳақиқий мулк эгаси бўладиган даврлар келди...»

Эгам бува йил бошида ўғли Абдулланинг тинчини ўғирлаб фермер хўжалиги ташкил қилдирди: «Хужжатлар тўғрилаш учун» идорама-идора югурадиган ҳолим йўқ. Менга дала бўлса экин, экиш, парваришлаш бўлса..»

Хўжалик билан шартнома тузиб, ўн гектарга пахта экди. Чигитни вақтида ундириб олди, ишловни сифатли ўтказди. Ҳозир фермернинг даласи бошқа ижарачилар даласидан фарқланади. Ниҳоллар текис, баравж. Эгам бува баҳордаёқ дала бошига кўчиб чиқди — ихчамгина чайла тиклади. Энди шу чайлага электр чироғи келтириш тадоригида юрибди. «Мулкка мулкдек қараш керак! Хоҳлаган вақтида келиб кетадиган колхознинг даври ўтди. Ер билан яқин бўлсанг — кўнглингдаги ҳосил унади!»

Кекса фермер сал ўкиниб қўяди: «Сал кечроқ киришдимда. Келгуси йилдан шартномани бевосита қайта ишловчи корхона билан тузаман. Керакли техникани ўзим топаман. Шунда ширкат хўжалигига қарамлигим қолмайди. Бир ишлашни кўрсатай, сал дангасаликка мойил ёшлар ишлаш қандай бўлишини кўриб қўйсинлар».

Эгам бувaнинг ниятлари кўп. Шу ўн гектарлик даласидан мўл-кўл ҳосил етиштириш. Худо насиб қилса, кузда даласига буғдой экиш. Мамлакатга зарур хомашёни етказиб, ўзи ҳам шундан манфаатдор бўлиш.

...Эгам бува давраларда ҳеч кимга сўз бермайди, истиқлолни олқишлайди, юртбошимизни улуғлайди: «Агарда бундан ўттиз-қирқ йиллар олдин ўз эркимизни қўлимизга олганимизда бугун Эгам бувани миллионер сифатида бутун дунё танирди. Энди фарзандларимиз одамларга ўхшаб яшасинлар»!

Сахар мардон — тонг қоронғисида вилоят марказига жўнаётганимда йўл чеккасида шошилиб келаётган кишига кўзим тушди. Машина чироғи ёритгач танидим — Эгам бува экан. Юришлари илдам, қадам олишлари залворли.

Ҳали кўпчилик ширин уйқуда-ю, фермер бува даласига шошиларди. Истиқлол ёшартирган қарияларнинг сардори шу Эгам бувада.

Нима ҳам дердик. Хоразм вилояти Боғот туманининг қадим Қулон Қорабоғ қишлоғилик шаҳди зўр, жадали тез икки қарияси — Ҳожибой Тўраев, Эгамберган Оллобергановлар айтаётган ҲАҚИҚАТ — истиқлолнинг энг чекка қишлоқда саккиз йилда пишиб етилган МЕВАЛАРИ эмасми?!

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Масъулият фаолликка чорлайди

Ҳисобот-сайлов конференциялари

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Шаҳрихон туман ташкилоти ҳисобот-сайлов конференцияси ўтказиладиган шаҳар марказидаги муҳташам маданият саройига бораётиб саксонга сўз бермай, дадил одимлаётган Қундузхон буви Раҳмонова билан кўришиб қолдим.

— Аслини айтсам, бошланғичдан туман партия ташкилоти конференциясига делегатман. Буни билганимдан буён катта тадбирга тайёргарлик кўрдим. Башарти сўз бериб қолишса нималар ҳақида гапираман, деб ўйландим ҳам. Масъулиятнинг юки енгил эмаслигини яна бир бор ҳис этдим.

Қишлоқ зиёлиси бўлган Қундузхон бувини кўпдан буён биламан. Умрини ёшларга илм беришга, эл ишига бахшида этди. Кўпчилик учун меҳнат қилди. Ҳозир ҳам бардам, бошлаган ишини охирига етказмай қўймайди. Онахонни жамоат ишларидаги жонкуярлиги, эл орасида партия фаоли сифатида обрў-эътибор топганлиги учун кўпчилик эъзозлайди, ҳурматини жойига қўйишга ҳаракат қилади.

Кексаю ёш партиядошларнинг ҳамфикр, ҳамжиҳатлиги туфайли ишлари ҳам самарали бўлаётир. Ишга масъулият билан ёндашиш туман партия ташкилоти ҳисобот-сайлов конференцияси куни янада яққолроқ кўринди. Туман партия кенгашининг биринчи котиби Хуруллохон Абдуллаеванинг маърузаси конференциядан-конференциягача бўлган даврда партия ташкилоти фаолиятининг изчил, атрофлича таҳлил этилганлиги билан эътиборли. Айниқса, маърузада муваффақиятларни мустаҳкамлаш, келажак даврнинг устувор йўналишлари билан бир қаторда холис танқидий нуқтаи-назар аниқ акс этди. Бу анжуманнинг жўшқинлигига, очиқ-ошкора муносабат билдиришга шароит яратди.

Ҳозирги пайтда туман партия ташкилоти партия Низоми ва Дастури асосида фаолият кўрсатиб, мамлакатимиз Президенти ва ҳукумат томонидан белгиланган иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларнинг фаол иштирокчисига айланди.

Ҳисобот даврида миллий қадриятларни тиклаш ва тарғиб қилиш борасида муайян ишлар режали амалга оширилди. Янгиланиш нафаси яққол сезилди. Тарғибот, ташвиқот тадбирларининг ҳаётий усуллари қарор топди. 38 та бошланғич партия ташкилотида «Маънавият ва маърифат» марказлари, 28 та маърифат хонаси ташкил этилганлиги ҳам бунинг аниқ мисоли бўла олади. «Шаҳрихон», «Бўстон», «Найнаво» жамоа хўжаликлари, туман соғлиқни сақлаш бирлашмаси, «Андижонбанк»нинг туман бўлими бошланғич партия ташкилотларидаги «Маънавият ва маърифат» марказлари фаолияти кўпчилик ҳавас қиларлидир.

Туман меҳнаткашлари ҳар бир соҳада йилдан-йилга муваффақиятларни мустаҳкамлаб бораяптилар. Бундай ютуқларда партия аъзоларининг ҳам меҳнатлари самараси мужассамдир. Истиқлол берган имконият, иқтисодий ислоҳотлар туфайли ибратли тажрибалар қанот ёзаяпти. «Олтин водий» жамоа хўжалиги бригада бошлиғи, конференция делегати, Ўзбекистон Қаҳрамони Содиқжон Абдурасуловнинг фидойилиги билан ғаллачиликнинг илғор мактаби яратилди. Бу мактабда деҳқончиликнинг янги усуллари мустаҳкамланаяпти.

Анжуман куни арафасида Ўзбекистон — Хитой «Ривож-Тянт-жин» қўшма корхонасида бошланғич партия ташкилоти тузилди. Қўшма корхона раҳбари, шаҳрихонлик ёш тадбиркор Комилжон Отахонов конференцияга бир овоздан делегат этиб сайланди.

Конференция кун тартибидаги барча масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Туман партия конференциясида Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят кенгашининг биринчи котиби С.Раҳимов, Шаҳрихон туман ҳокимининг биринчи ўринбосари — Шаҳрихон шаҳар ҳокими М. Усмонов қатнашдилар.

Туман партия кенгашининг ташкилий пленумида Х. Абдуллаева унинг биринчи котиби этиб қайта сайланди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Шу кунларда: Жондор, Пахтакор, Косонсой, Поп, Тўрақўрғон, Уйчи, Учқўрғон, Норин, Челак, Оқдарё, Қўнғирот туманлари ҳамда Андижон, Наманган, Термиз шаҳар партия конференциялари ҳам бўлиб ўтди.

Уларда тегишли шаҳар ва туман партия кенгашлари, партия ташкилотлари тафтиш комиссиялари ҳисобот-маърузалари, халқ депутатлари Кенгашларидаги депутатлар гуруҳлари ахборотлари муҳокама этилди, партия ташкилотлари фаолиятининг келгусига мўлжалланган устувор йўналишлари белгиланди. Шунингдек, мазкур анжуманларда шаҳар ва туман партия кенгашлари, тегишли партия ташкилотлари тафтиш комиссиялари янги таркиблари шакллантирилди, Қорақалпоғистон республика, вилоятлар партия конференцияларига делегатлар сайланди, юқори партия органларига вакиллар юборилди.

Мазкур конференцияларда Жондор тумани ҳокими Б.Обидов, Жиззах вилоят партия кенгашининг биринчи котиби И.Умурзоқов ва Пахтакор тумани ҳокимининг муовини Н.Пардаев, Наманган вилояти ҳокимининг муовини М.Рустамова ва Косонсой тумани ҳокими У. Маматов, Поп тумани ҳокими З.Абдуллаев, Тўрақўрғон тумани ҳокимининг биринчи муовини О.Ходжаев, Уйчи тумани ҳокими С.Азимов, Учқўрғон туман ҳокими Б.Охунов, Норин туман ҳокими Ғ.Жабборов, Челак тумани ҳокими Ш.Шукуров, Самарқанд вилояти партия кенгашининг биринчи котиби Р.Ҳамроқулов ва Оқдарё тумани ҳокимининг муовини М.Исматов, Қорақалпоғистон республика партия кенгаши иккинчи котиби Э.Хошанов ва Қўнғирот туман ҳокимининг биринчи муовини К.Хусанов, Андижон вилоят партия кенгашининг биринчи котиби С.Раҳимов ва Андижон шаҳар ҳокимининг муовини Р. Мухторов, Наманган вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Ҳ.Убайдуллаев ва Наманган шаҳар ҳокимининг биринчи муовини Н.Эшматов, Сурхондарё вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Х.Эрматов ва Термиз шаҳар ҳокимининг биринчи муовини Т. Раҳмонов иштирок этдилар.

Ушбу конференцияларда сайланган партия кенгашларининг ташкилий пленумлари бўлиб ўтди. Уларда партия кенгашларининг биринчи котиблари этиб, тегишлича, К.Пўлатов, И.Отабоев, И.Исроилов, Ш.Абророва, У.Бурхонов, С.Ғайбуллаев, Т.Маткаримов, О.Қосимов, В.Шакаров, Т.Қурбонов, А.Тажиддинов, Ш.Ҳайдаров, М.Шарипова, Э.Диёров сайландилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Хатлар, хатлар, хатлар

Дил изҳори

Кейинги пайтларда тез-тез дардга чалинадиган бўлиб қолдим. Айниқса, бултур турли даво масканларида ётавериб, чарчадим. Ниҳоят 2-Тошкент давлат тиббиёт институтининг биринчи клиникаси, II-умумий терапия бўлимида даволандиму, жоним ором топди. Бу ерда турли касалликларга ташҳис қўйиб, шифо бераётган бўлим раҳбари професор Эркин Қосимов, тиббиёт фанлари номзоди Аброр Ҳамроев, олий тоифадаги шифокор Дилбар Саидалиева ҳамда ҳамширалар Маҳмуда Маннонова, Зуҳра Содиқова, Роҳила Сирожиддинова ва бошқалардан иборат иноқ жамоа дардманлар кўнглини олиб, уларни оёққа турғазишда астойдил меҳнат қилмоқдалар. Менга тиббий хизмат кўрсатилишидан кўнглим тўлган жойи шундаки, шифокорлар аввало сўз малҳами, кейин дори-дармон, сўнг жарроҳлик йўли билан инсон соғлиги учун курашаяптилар.

Абдужалил ЗОКИРОВ

Қачонгача сув кечамиз?

Очиғини айтганда, буни шикоят демаса бўлади. Лекин арз қилмай ҳам иложи йўқ. Гап шундаки, пойтахтимизнинг кўркам жойларидан бири — Ғафур Ғулом ва Абдулла Қодирий кўчалари чорраҳасида ёмғирлардан кейин юз берадиган нохуш манзара кўпчиликнинг ғашига тегмоқда. Ахир, бир томонда республика Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Тошкент шаҳар бўлими, иккинчи тарафда «Ганга» дўконию, кўп қаватли бинолар... Афсуски, ёмғир ёғди дегунча дил ҳиралик бошланади. Боиси, атрофдан сизувчи сув оқавалари кўлмак, гоҳида кўлга айланадиёв. Кўчаларнинг йўловчилар учун мўлжалланган қисмини ҳам сув босиб, ўтишнинг иложи бўлмай қолади. Бироз эҳтиётсизлик қилсангиз борми, «виз-виз» машиналардан сачраган сувдан шалаббо бўлиб, уйга қайтишингиз ҳеч гап эмас. Бу чорраҳада ҳамиша аҳвол шу. Қизиғи шундаки, кўлмак тагидан лабзак ариғи оқиб ўтади. Агар шаҳар ободонлаштириш бош бошқармаси ёки ҳокимликдаги мутасаддилар бу ҳолни кўрсалар, бирон чораси топилармиди. Ғафур Ғулом кўчаси кенгайтирилаяптику, шу баҳона чорраҳа нишаби тўғрилаб юборилса, олам гулистон бўларди.

Ўткир ЮНУСОВ

Отам руҳи шод бўларди

Истиқлолдан кейин инсонлар хотирасини абадийлаштиришга эътибор ортди. Лекин бундан ҳар ким ўзича фойдаланиб қолишга уринишлар бўлди. Айтайлик, мансабдор шахслар ўз оталарининг ўтмишда кўрсатган «хизматлари» қандайлигини инобатга олмасдан, уларнинг исмларини турли кўча ва мактабларга қўйишга ошиқдилар. Ўйлайманки, агар инсоф билан айтадиган бўлсам, отам Оллоберган Сувонқулов хотирасини улуғлашга арзийдиган инсонлардан эдилар. У киши Ҳазорасп туманидаги йирик жамоа хўжалигига 16 йил раҳбарлик қилдилар. Ўша даврда ночор бўлган ҳозирги «Хоразм» жамоа хўжалигини илғорлар сафига қўшишда фаоллик кўрсатдилар. У кишининг ғўза қатор ораларига ўғит солиш ускунаси ҳамон ишлатилади. Ижара пудрати усулини ҳам вилоятда биринчи бўлиб қўллаганлар. Отамнинг раҳбарлигида амалга оширилган қурилишлар анча. Умрларининг охиригача иззат-икромда бўлдилар. Қани энди, отам бош бўлиб қурдирган мактабга ёки бирор кўчага у кишининг номи қўйилса кўп савобли иш бўларди-да.

К. ОЛЛОҚУЛИЕВ,
Хазорасп тумани.

Таянч ва суянч

Аскарнинг альбоми

Тасодифлар ортида нимадир ётади. Тошкентдан чиққан жойда машинамиз бузилиб қолди. Бухорога кетаётган автобусга чиқиб олдим. Орқадаги ўриндиққа секин чўкдим. Ҳаво иссиқ. Кайфият ҳам шунга яраша. Ёнимда ўтирган икки йигит эътиборимни тортди. Иккаласи ҳам ҳарбий кийимда. Билагидан куч-ғайрат ёғилиб турибди.

— Ака сув ичинг, — деди йигитлардан бири. Улардаги маданият, самимият менда суҳбатлашиш истагини пайдо қилди.

— Хизматданми йигитлар?

— Ҳа, дейишди баравар.

— Хизмат қаерда бўлди?

— Чирчиқда ўтадик.

Шу пайтда йигитлардан бири:

— Альбомимни кўрсатайми? — деди.

Қизиқдим. Ҳаяжон билан альбомни қўлимга олдим. Секин варақлар эканман, бир зум хаёлимда ўтмиш гавдаланди. Узоқ рус ўрмонларида дарахт кесиб, қирқ даража совуқда қўлларини совуққа олдирган акам, афғон тупроғида икки йил давомида жон бериб жон олган, 19 ёшидаёқ ногирон бўлиб қолган тенгдошим кўз олдимга келаверди. Истиқлолга, эркка яна бир бора шукрона айтдим.

Альбом муқовасига «Хизматдан эсдалик» деб ёзиб қўйилган. Биринчи саҳифани очаман. Юпқа майин қоғозга суратлар чизилган. Суратда қўлида нон ушлаб турган она , унга эгилаётган йигит тасвирланган. Остига эса «Ой бориб, омон қайт» деган сўзлар ёзилган. Ички саҳифада аскар йигит ўртоқлари билан тушган фотосуратлар жой олган. Суратдаги аскар йигит юзида табассум қиёфасида мағрурлик акс этган. Сафдагилар ортида мустақил давлатимиз байроғи... Кейинги саҳифаларини очаман. 550 кун деб ёзилган.

— Бу нимани билдиради, — деб сўрайман. Аскарлар кулишади.

— Биз бир ярим йил хизматда бўлдик. Бу 550 кун дегани.

Суратларга қараб ўйга толаман. Спорт билан шуғулланаётган йигитлар ҳарбий машқлар, байрамлар, қўшиқ куйлаётган йигитлар, мустақил давлатимизга ва унинг Президентига содиқ қолишга қасамёд қилаётган йигитлар... Мен уларнинг ёнида бўлгим келди. Юрагим ғурур ҳиссига туйди. Қалбимдаги армонлар, ўтмиш изтироблари бир зумга йироқларга чекинди.

Иккинчи йигитнинг альбомини варақлайман. Биринчи саҳифада «Бухоро — Тошкент» поезди тасвирланган. Истиқлол Ватанини қўриқлаш учун кетаётган йигит...

Мен аскарларга савол бераман. Суратларни ким чизиб бергани билан қизиқаман.

— Ҳаммамиз ўз альбомимизни ўзимиз безаганмиз.

Хизматдаги шарт-шароитлар ҳақида сўрайман.

— Жойида, — дейишади йигитлар. Ҳарбийчасига қисқа ва лўнда.

— Барча шароитлар мавжуд. Ватан олдидаги фарзандлик бурчимизни ўтаб қайтаяпмиз.

Йигитлар бир-бирларига тикилиб кулиб қўйишади. Уларнинг исмларини сўрамадим. Қандай қисмда хизмат қилганлари билан қизиқмадим. Мен шуни билдимки, Ватан ўғлонлари Истиқлолимизни қўриқлашга қодир. Мен уларнинг кўзларидан шуни ўқидимки, миллат келажаги ишончли қўлларда.

— Мен ҳар бир тенгдошимни аскарлик альбоми бўлишини истайман, — деди улардан бири.

— Мен ҳар доим Ватан осмонини мусаффо бўлишини, Президентимиз омон бўлишини истайман, — деди иккинчиси.

Мен эса Ватан ҳимоячиларини, истиқлолимиз қалқонларининг нигоҳларига қараб, ҳақиқий Ватаннинг ҳақиқий аскарлари борлигига ишонч ҳосил қилдим.

Қоронғу тушиб, машиналар чироқларини ёқдилар. Бир-биридан ажралишни истамаган аскар йигитларга қараб ҳавасим келди.

Фаррух ҲАМРОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Тўғри йўлни танладилар

Мирзачўл туманида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «9 майни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиниши муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ 3 нафар вояга етмаган жиноятчи суд залидан озод этилди. Хўш, улар кимлар эдилар? 1982 йилда туғилган Алдаберган Қиличев, 1983 йилда туғилган Кобайсин Молдабаев, 1982 йилда туғилган Нурберген Усенбаевлар ўзаро тил бириктиришиб шу йилнинг 18 апрель куни Миразачўл туманига қарашли Гагарин шаҳри, Пахтакор кўчасида жойлашган автотранспорт корхонасига тегишли электродвигателни ўмаришаётганида қўлга олинганлар.

Президентимиз Фармонига мувофиқ озод этилган шахслар эл-юрт олдида тавба қилдилар. Иккинчи бундай жиноят содир этмасликка сўз беришди.

— Туманимизда 60 дан ошиқ ҳуқуқни ҳимоя қилиш ходимлари фаолият кўрсатаяпти, — дейди туман прокурори Сарвар Тошев. — Жиноятчиликнинг олдини олиш учун маҳалла ва кенг жамоатчилик ҳамкорлигида иш олиб бормоқдамиз.

Пардабой ТОЖИБОЕВ

Шу кунларда, айни ғалла ўрими қизғин паллага кирганда фермерларнинг умумий хирмонга қўшаётган ҳиссаси яққол сезилмоқда. Масалан, Қизилтепа туманидаги «Бахшулло» деҳқон-фермер хўжалиги туманда биринчи бўлиб, давлат буюртмасини бажарди.

— Бу йил қўриқдаги майдонларимизни барчасига «Юна» навли буғдой уруғини экиб, янглишмаган эканмиз,— дейди хўжалик раҳбари Бахшулло Аслонов. — 70 гектар майдоннинг ҳар гектаридан режалаштирилганидек 30 центнердан эмас, балки 40 центнердан сара дон ҳосили ўриб олдик. Давлатга шартномадаги 130 тонна ўрнига 150 тонна буғдой сотдик. Ўрим эса давом этмоқда. Тахминларга кўра, ҳосилдорликни ўртача 55 центнерга етказишимиз мумкин.

Фермер хўжалигида ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда. Ғалла майдонидан бўшаган ерлар тезда тайёрланиб такрорий экинлар — картошка, турли сабзавотлар ва озиқа учун дон ва маккажўхори экилмоқда.

Суратларда: 1. Фермер хўжалиги раҳбари Бахшулло Аслонов, комбайнчи Баҳодир Лочинов ва «Ўртачўл юлдузи» жамоа хўжалиги раҳбари Наим Иброҳимов. 2. Ўрим қизғин.

Собир ЗУФАРОВ
(ЎзА) олган суратлар

Сабоқлар

Тафаккур дарахти барҳаёт

Ўзбекистон Республикаси Давлат тест марказининг «Тафаккур сабоқлари» китоби нашрдан чиқди. Ушбу китоб маънавиятимизга дахлдор соҳаларда хизмат қилаётганлар учун ўз билим ва савияларини синаб кўришда муҳим қўлланма бўлиши мумкин. Биз китоб билан танишиб чиқиш мобайнида пайдо бўлган дастлабки мулоҳазаларимизни газетхонлар билан ўртоқлашишни лозим топдик.

Китоб кадрлар савиясини ошириш ва уларни синаб кўриш механизмини яратиш йўлидаги дастлабки уринишдир. Муаллифлар (М. Муҳиддинов, М.Бекмуродов ва бошқалар) мамлакатимиз социологлари, жамики донолик фани жонкуярларини қизғин ақл муҳорабасига, баҳсу-мунозараларга чорлайди. Бугунги кунда олимларимиз кадрларнинг ақлий, маърифий, руҳий савияси қандай бўлиши лозим, улар раҳбар бўлгунларича қандай назарий, амалий имкониятларга эга бўлиши тўғрисида аниқ таклифлар беришлари керак. Шўро даврида юқори лавозимга ўтирган ҳар қандай шахс бир зумда ҳамма нарсани билгувчи арбобга айланар эди. Замоннинг тезкор суръатига жавобан ушбу ўта долзарб китобнинг юзага келиши шубҳасиз ижобий ҳодиса сифатида баҳоланишга лойиқ. Давлат тест маркази мустақил мамлакатимиз маънавий маконида аҳоли билим савиясини оширишдан манфаатдор бўлган мувофиқлаштирувчигина эмас, балки ташаббускор ташкилотчи сифатида намоён бўлаётганлигини айтиб ўтиш жоиз. Марказ ҳозирги пайтда мамлакатимиз аҳолисининг ишончини қозонди, имтиҳонларни баҳолаш жараёни ягона адолат мезони сифатида ҳам муайян обрў-эътиборга сазовор бўлди. «Тафаккур сабоқлари»да дастлабки 5-6 йиллик тажрибалар маълум даражада умумлаштирилган. Ҳар бир фуқаронинг ўз савиясини синаб кўриш учун эса ушбу китоб муҳим аҳамиятга эга. Вақти келиб бундай китоблар муайян туркумларда нашр этилиши ҳам мумкиндир. Буни марказ шу кунгача нашр этиб келаётган «Ахборотнома»лар билан адаштирмаслик керак.

«Тафаккур сабоқлари» аввало кенг мафкурачилар оммасига мўлжаллаб тузилган, катта илмий ва ташкилий меҳнат самарасидир. Тўплам социологлар, файласуфлар, тарихчилар, руҳшунослар ва ҳоказо касбдаги зиёлилар меҳнати ўлароқ дунёқараш, жаҳон андозаларига етиб олиш ғами билан яшаётирмиз. Савол бериш, саволни кун тартибига қўйишдан осони йўқ, лекин унга қамровли қилиб, ўз иззат-нафсониятини, ғуруруни, ўз тарихини билган ҳолда жавоб бериш бахтини ҳис қилиш эса ўта ёқимлидир.

Тўпламнинг қайси саҳифасини очманг, унда муҳим, ҳаётий масалалар, саволлар қўйилганини кўрасиз. Мана, 21-саҳифасидаги 35-савол: «Сизнингча, сиёсий қарамликдан ҳам даҳшатлироқ қарамлик нима?» Беш хил кўринишда жавоблар берилган, китобхон ана шуларнинг энг тўғрисини аниқлаши керак. Бешала жавоб ҳам тўғридай туюлади, лекин, шуларнинг ичида ягона тўғри жавоб бор, уни топиш ёки аниқлаш учун озмунча китобларни варақлаш керакми? Тўплам китобхонни ўз устида ишлашга, савиясини чархлашга чорлайди.

Бугун марказ мамлакатимиз маърифий ҳаётида муҳим ўрин эгаллади. Марказ зиммасидаги масъулият кун сайин ошиб бораётганлиги ҳам сир эмас. Вақт келадики, биз марказдан фақат кадрлар савиясини аниқлаб беришнигина эмас, балки муайян ишга тавсия этиладиган ходимнинг келажакда қандай ишлаб кетишини илмий башорат қилиб бериш каби натижаларни ҳам кутишга ҳақлимиз. Айтайлик, ўрта бўғинда ишлаётган Эшматни тест синовидан ўтказишга тўғри келади. Ушбу тўпламдаги саволлар орқали унинг билим савиясини аниқладик, синов ўтди, лекин унинг руҳий тайёргарлигини, муайян вазиятларда ўзини қандай тутишини, қўлидаги мавжуд ахборотлар билан қандай ишлашини ва шу асосда қандай қарор қабул қила олишини ҳам тест билан очиб бериш лозим бўлади. Бунинг учун эса марказ қошига иқтидорли социологларни, амалиётчи ва назариётчиларни тўплаш зарур, деб ҳисоблаймиз. Менимча, ушбу тўпламни нашр қилиб, китобхонлар ҳукмига ҳавола қилишдан кузатилган мақсад ҳам аслида шундан иборат бўлган эрса ажаб эмас.

Юқорида таъкидлаганимиздек, китоб муҳим ва долзарб, у чароғон тақдирга сазовор бўлишига шубҳа йўқ. Бу билан муаллифларни табриклаш керак. Шу билан бирга муаллифларга айтадиган таклифларимиз ҳам бор.

Баъзи бир саволларнинг қўйилиши ноўриндай, стилистик ва меъёрий жиҳатдан ўқувчини қониқтирмайдиган ҳоллар ҳам учраб қолади. 23-саволни олайлик, унда: «билимсиз, маънавияти суст, оми одамлар давлат тузумининг қайси йўналишига табиатан мойил бўладилар?» — дейилган. Жавобларда эса: «демократик», «анархистик», «авторитар», «плюралистик», «анъанавий», «миллий». Кўриниб турибдики, жавоблар «тузум»нинг жавоблари эмас, балки «тизим»нинг жавобларидир. Бундан ташқари, саволни юқоридагидек тарзда эмас бошқачароқ қилиб: «Билимли, маърифатли одамлар тизимнинг қайси шаклини кўпроқ маъқул кўрадилар?» деган мазмунда қўйилганида мақсадга мувофиқ бўларди, деб ўйлайман.

Назаримда, тестларда саволларни бироз назарийлаштиришга мойиллик сезилади. Албатта, тест саволларига юзмаюз келадиганларнинг билим даражасини юксак ўлчамлар, талаблар нуқтаи-назаридан баҳолашимиз керак. Чунки, жудаям назарийлаштириш олийжаноб мақсаднинг аҳамиятини сусайтиради, рамзийлаштириб юборади ва у оммалашмай қолиши мумкин. Тест маркази жумладан, ушбу китоб олдида турган мақсад — иложи борича уни оммалаштиришдан, турли таклиф ва мулоҳазаларни тўплаб, унинг кейинги нашрларни тайёрлашдан иборат. Негаки, шундай муҳим китоб, исми-жисмига монанд «Тафаккур сабоқлари» бор-йўғи минг нусхада чоп этилган. Унга эҳтиёж эса жуда катта.

Илёс ҚУВОНДИҚОВ,
журналист

Қонун ҳақ, ҳоким ҳам...

аммо масала ҳал бўлмаяпти

Ислоҳот ва масъулият

Тарихан қисқа муддатда бемисл ўзгаришлар содир бўлди. Юртимиз XXI асрга — янада ёрқин келажакка интилмоқда. Аммо, тараққиёт тамойиллари таянчи бўлган ислоҳотлар ҳамма вақт, ҳар жойда ҳам осон ва силлиқ кечаётгани йўқ. Баъзан тўрачилик, кераксиз қоғозбозлик устунлик қилиб қолмоқда. Бундай ҳолда, юртбошимиз айтганларидек, биз келгуси асрга нималарни олиб ўтишимиз мумкин ва зарур? Ва нималардан воз кечишимиз даркор, деган саволлар, ўйлар кўнглимиздан кечаверади.

Уларга эса жавоб излай бошлаймиз...

Ҳали Олий Мажлиснинг тарихий сессияси бошланадиган кунлар арафаси эди. Анча вақт ўрганилиб мақоламга охирги маълумотларни олиш учун Шаҳрисабз консерва корхонасига бордим. Қирқинчи йилларда қурилган заводни бугунги даражага етказиш учун нималар қилишмади... Йигирма йилнинг нари-берисида кечган ўзгаришлар ҳақида бир неча бор ижобий ва танқидий мақолалар ёзишимга тўғри келган. Аммо, бу сафар бошқача бир кайфиятни туйдим. «Ишлаш керак, ишлаш», дея суҳбатга рағбат билдирмади корхона раҳбари Неъмат Исмоилов. Қўшма корхона ҳисобчисининг сўзлари эса яна ҳам ўртовчи эди:

— Ҳа, ҳа... Қонун биз томонда эди. Ҳақимизни талаб қилиб қаерларга бормадик. Сизларга ҳам мурожаат қилган эдик. Қани натижа? Қонундан қоғозбозлик кучли экан...

Очиғи, бу гапларни эшитиш оғир...

Аммо қандай бўлмасин, ҳақиқат олдида аччиқ аламларни ютишга тўғри келарди. Хўш, бу можаро қандай пайдо бўлди? Масаланинг ечилишига нималар монелик қилмоқда? Бунга ойдинлик киритиш учун «Шаҳрисабз» фирмаси (ҳозир қўшма корхона ҳам унинг таркибида) бош директори Н.Исмоиловнинг Республика Давлат божхона қўмитаси раиси номига йўллаган эътироз хатига кўз югиртирмоқ лозим: «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 9 январдаги 15-ф сонли фармойишига асосан «Мевалар камалаги» Ўзбекистон-Британия қўшма корхонаси ташкил этилди. Шу пайтда қўшма корхонанинг устав фонди 4 миллион 311 минг 600 АҚШ доллари бўлиб, ундан 65 фоизи Буюк Британиянинг Марказий Осиё инвестиция компанияси (МОИК)нинг, 34 фоизи «Шаҳрисабз-консерва» ҳиссадорлик жамиятининг, 1 фоизи «Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг» компаниясининг улуши эди. Табиий шарбатларни жаҳон андозалари даражасида ишлаб чиқариш учун Швециянинг «Тетра Пак» компанияси технологияси олиб келиб ўрнатилди. МОИКнинг «Тетра Пак» компанияси билан тузилган биринчи шартномасига кўра, 1852817 АҚШ долларига тенг асбоб-ускуна ҳамда ўраш материаллари устав фондига улуш сифатида келтирилди. Бу мулкдан Қашқадарё вилоят божхонаси бошқармаси 430 минг сўмлик бож ва 269,5 минг сўм процедура учун ундириб олди.

Иккинчи, қиймати 2518614 АҚШ долларига тенг шартнома «Тетра Пак» ва «Мевалар камалаги» ўртасида тузилди. Шунга биноан, 2455,5 минг АҚШ доллари ёки 190275 минг сўмлик шарбатни тўлиқ қайта ишловчи завод фоизсиз қарз эвазига келтирилди. Устав фондини тўлдириш учун завод харид қилишга берилган қарз уч йилдан кейин қайтарилади. Бу мулкдан ҳам вилоят божхонаси 1903 минг сўм бож ва 286,1 минг сўм процедура учун ундирди.

Учинчи шартнома 1997 йил июнь ойида яна «Тетра Пак» компанияси билан тузилиб, 43262,61 АҚШ доллари қийматидаги қувур, бошқа ўраш материаллари олиб келинди. Бундан ҳам 35,6 минг сўм бож ва 5,3 минг сўм процедура учун ундириб олинди. Умуман, қўшма корхона ҳисобидан вилоят божхонаси 1997 йил августидан то 1998 йил августигача ундирган давлат божи 2368,6 минг сўмга, процедура қиймати 560,9 минг сўмга етди. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари ва чет эллик инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунининг 18-моддасида: «Ўзбекистон Республикаси чет эл инвестицияли корхоналарига ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун келтирилган барча мулклардан божхона тўловлари олинмайди», деган кўрсатма мавжуд. Шунга кўра, қўшма корхонада бож олинмаслиги керак эди. Қўшма корхонанинг чет эл-даги таъсисчиси — Марказий Осиё инвестиция компанияси Шаҳрисабз шаҳрида яна янги қўшма корхона очиш лойиҳаларини бошлаган эди. Аммо вилоят божхона бошқармаси нуқул тўлов ундириш билан шуғулланаётганлиги туфайли лойиҳа ишлари тўхтатилди. Улар бундай шароитда қўшма корхона очиш иложи йўқлигини таъкидлашмоқда... Сиздан тўланган барча тўловларнинг қонунийлигига аҳамият беришингизни сўраймиз...

Мавзудан сал илгари кетиб бўлса ҳам айтиш керакки, юртимизда юзлаб қўшма корхоналар иқтисодиётни кўтариш борасида катта ютуқларга эришаяпти. Хорижий сармоядорлар учун ҳамма шароитлар яратиб берилган. Уларнинг иштирокида биргина Қашқадарё вилоятида жаҳонда тенгсиз ҳисобланган Кўкдумалоқ компрессор станциясининг ишга туширилганлиги, айни пайтда улкан иншоот — «Шўртангаз» кимё корхонаси бунёд этилаётганлигини тилга олмоқ кифоя. Республика Олий Мажлиси халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг 1997 йил 23 декабрдаги йиғилишида «Ташқи иқтисодий фаолият ҳақида»ги Қонун Қашқадарё вилоятида қандай амалга оширилаётганлиги муҳокама этилиб, ҳали воҳада катта заҳиралар ва имкониятлар мавжудлиги қайд этилган эди. Афсуски, ана шу имкониятлар тўла юзага чиқмади, саноат корхоналари, жумладан қўшма корхоналар етарли даражада фаолият кўрсатмади. Президентимиз халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгаши сессиясидаги нутқларида бу камчиликларнинг туб илдизларини таҳлил қилиб бердилар ва фаол меҳнатга даъват этдилар.

Вилоятнинг янги раҳбарияти, шахсан ҳоким Шуҳрат Бегматов бу масалалар билан жиддий шуғуллана бошлади. Орадан сал ўтмай, вилоят фаоллар йиғилишида ҳоким воҳанинг моддий ва маънавий салоҳиятидан етарли фойдаланилмаётганлигини, тараққиётга халақит бераётган муаммоларни тилга олди. Жумладан, «Мевалар камалаги» қўшма корхонаси ҳисобидан 1 миллион 903 минг сўм давлат божи ноқонуний ундирилганлиги туфайли «кечикиб бўлса-да қайтариб берилди», дея эътироф этди. Минг афсуски, бундай эмас эди. «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддасида: «Нотўғри ундирилган божхона тўловлари ва жарима суммалари қайтарилиши лозим», дея кўрсатилганига қарамай, вилоят божхона бошқармаси оёғини тираб туриб олди. Вилоят прокуратурасининг ҳам эътирози инобатга олинмади. Аксинча, вилоят божхона бошқармаси «Мевалар камалаги»дан яна қўшимча қиймат солиғи тўлаб қўйишни талаб қилди. Қўшма корхона раҳбарияти бу ноқонуний талабни бажаришни рад этди. Бу нима, тазйиқми?

Ҳа, қўшма корхона раҳбарияти қонуний талабни ўртага қўяётган, вилоят ҳокими эса адолатни қўллаб-қувватлаётган эди. Яқинда бўлган суҳбатда ҳам Шуҳрат Бегматов «Бу масала аллақачон ҳал бўлган», деган фикрни билдирди. Таассуфки, можаро давом этаётган эди. Хўш, ҳоким қонун бузилмаслигини талаб қилди. Вилоят прокуратурасининг аралашуви ҳам қонуний. Энг муҳими қўшма корхона манфаатларини қонун ҳимоя қилаётган эди. Нега унда можаро давом этмоқда? Шу ўринда ҳуқуқий ҳужжатлар, талабномалар ва раддияларни ўрганиб кўрар эканмиз, божхона маъмурияти ҳам ҳуқуқий ҳужжатларни рўкач қилаётганини билса бўларди. Масалан, қўшма корхона раҳбари А.Темировнинг нотўғри ундирилган божни қайтариш ҳақидаги талабномасини рад этар экан, Қашқадарё вилоят божхона бошқармаси бошлиғи Ф. Муҳимов 1998 йил 13 июндаги алоқа хатида шундай асосларни келтирган (Ҳеч ўзгаришсиз кўчираяпмиз): «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 25 июлдаги «Ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 12-илова «Хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар ўз эҳтиёжлари учун импорт қилаётган маҳсулотларни аниқлаш қоидалари»га асосан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги томонидан тасдиқланадиган хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар ўз эҳтиёжлари учун импорт қилаётган маҳсулотлар сертификати тўғрисидаги низомга мувофиқ, сертификат олинган ҳолларда импорт божи тўловидан озод қилиниши кўрсатиб ўтилган. Юқоридаги шартнома асосида олиб келинаётган товарлар учун Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги томонидан «Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ўз эҳтиёжлари учун импорт қилинаётган маҳсулотларга бериладиган сертификат»нинг бўлмаганлиги туфайли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 1 октябрдаги 343-сонли қарорига асосан импорт бож тўлови ундирилган».

Сиз шундан бирор маъно англадингизми? Бунинг ўрнига:«Қонунда шундай дейилган (ҳозир унинг янги таҳрири мавжуд), аммо баъзи қарорлар бор, уларга кўра товар ёки ашёлар учун сертификат олинг», дейилса бўлмасмиди? Нима керак одамларнинг бошини қотириш? Ёки қўшма корхона раҳбариятига олдиндан: «Биродарлар, унутмангки, шундай-шундай қоидаларимиз бор», деган талабни қўйса бўлмасмиди? Бўларди. Эндигина ташкил этилган, оёққа туриш учун ҳаракат қилаётган қўшма корхонани қўллаб-қувватлаш, иш ўргатиш лозиммасмиди? Хўп, кечикиб бўлса-да, талаблар бажарилганда, нега қўшма корхонанинг маблағи қайтариб берилмади?

Очиғи, жамиятда кечаётган ҳамма жараёнларни бирдан англаб олиш, қонунларни мукаммал эгаллаш осон эмас. Шу ўринда бир-иккита рақамни келтирсак. 1998 йил якунларига кўра, Қашқадарё вилоятидаги чет эл сармояси жалб этилган 35 та корхонадан фақат 2 тасигина ташқи бозорга маҳсулот чиқарган бўлса, биттаси ана шу «Мевалар камалаги»дир. Қўшма корхона бу йилнинг биринчи чорагида ҳам қиймати 113,6 минг АҚШ долларига тенг мева шарбатларини четга сотишга эришди. Хўш, бундан давлат хазинаси манфаат кўрмайдими? Тўғри, солиқ ва бож давлат хазинасини бойитади. Аммо, корхоналар оёққа турсагина улар кўпроқ солиқ ва давлат божи тўлашга қодир. Жаҳон бозорига маҳсулотларимизни мўл-кўл сотадиган бўлишади. Хорижий шерикларимиз кўпроқ юртимизга талпинишади. Қонун одил бўлсаю, минг хил таъқиқларни ўйлаб чиқарсак-чи? Тўрачилик тараққиёт йўлига ғов солса-чи?

Мен шу масалаларни тўла англаб етиш учун Президентимизнинг Олий Мажлис сессиясидаги тарихий маърузаларини қайта-қайта ўқиш, кўнгилга жо этишга ҳаракат қилдим. Жаҳон бозорида бемалол рақобатлашадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, иқтисодиётимизга хорижий сармояларни янада кўпроқ жалб этишни XXI аср ва шу кунги муҳим вазифа қилиб қўйган юртбошимизнинг ҳаёт сингари теран қўйидаги сўзларига эътибор беринг: «... ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этишнинг бутун тизимини қайта кўриб чиқиш лозим. Мен бу соҳани бошқариш ҳаддан ташқари расмийлашиб, маъмурийлашиб кетган, деб ҳисоблайман. Унда иқтисодий йўл билан, тарифлар билан бошқаришдан кўра маъмурий чеклашлар орқали бошқариш усуллари устунлик қилмоқда. Биз ташқи иқтисодий фаолиятнинг жаҳонда қабул қилинган маърифий шаклларига тезроқ ўтишимиз керак».

Ҳа, йигирма биринчи асрга, юртимиз тараққиётининг яна бир янги даврига интилар эканмиз, бизни қийнаб келаётган, умумий ишимизга тўғаноқ бўлаётган муаммолар ҳақида гапирмай илож йўқ. Ишламаётган ёки тараққиётга тўғаноқ бўлиб қолган қонунлар, қарорлар ўзгаради. «Қонун—қонунга» эмас, балки халққа, фуқаролик жамияти қуришга хизмат қилмоғи лозим.

Афсуски, юқоридаги можарони вилоят прокуратураси ҳал қилолмади. Аслида божхоналар қонунга амал қилиши, прокуратура назоратида ишлаши лозим. Сабоқ аччиқ бўлса-да, тараққиётга хизмат қилади. Ҳозирча сабоққа эътувчи йўлда ушбу савол кўндаланг: ким ҳақ ва ноҳақ?

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Евронинг қиймати юқорилаб бормоқда

Европа Иттифоқининг молиявий пойтахти ҳисобланган Франкфурт шаҳридаги валюта биржасида евронинг АҚШ долларига нисбатан қиймати юқорилаб бормоқда. Европа марказий банки маълумотига қараганда, сўнгги савдода бир евронинг қиймати 1,0474 долларга тўғри келган. Ўтган сафар бу кўрсаткич 1,0466 долларни ташкил қилган эди.

Мутахассислар евронинг долларга нисбатан қадри ошиб бораётганини Косово можаросини бартараф этиш борасида келишувга эришилгани ва НАТОнинг Югославияга ҳаво ҳужуми тўхтатилгани билан изоҳламоқда.

Сайлов ўтказиш кечиктирилди

Жорий йилнинг ноябрь ойида Босния ва Герцеговинада маҳаллий ҳокимият органларига сайлов ўтказиш режалаштирилган эди. Бироқ Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг доимий кенгаши тадбирни келаси йилга қолдиришни таклиф қилди. Мамлакат ҳукумати ва сиёсий партиялар раҳбарлари ҳам бунга розилик берган.

Бунинг асосий сабаби Боснияда ҳамон беқарор вазият сақланиб турганидир. Шунингдек, Косово можароси туфайли овоз бериш ҳуқуқига эга бўлганларнинг 70 мингдан ортиғи айни пайтда сайловда иштирок этиш имкониятига эга эмас. Югославия ҳудудида яшаётган боснияликлар ҳам шулар жумласидандир.

Келишув мўлжалланмоқда

Халқаро Олимпия комитети коррупцияда айблаш давом этаётганлиги сабабли аъзоларидан бирини таркибидан чиқариш масаласи бўйича ўз қарорини эълон қилиши зарур. Австралиялик Фил Коулс 2002 йилда Қишки Олимпиа ўйинларини Американинг Солт-Лейк Сити шаҳрида ўтказиш бўйича буюртма муаллифларига маҳфий ахборот берганликда айбланмоқда. Март ойида Халқаро олимпия комитети Коулсни Солт-Лейк Ситида бепул дам олганлиги учун расмий огоҳлантирган эди. Коррупция ҳақидаги можаро боис ХОК нинг ўн аъзоси истеъфо берди ёки комитет таркибидан чиқарилди. ХОК аъзоларининг Жанубий Кореядаги учрашувини ёритувчи Би-Би-Си мухбирининг сўзларига кўра, бу масалада келишувга эришилади: Коулс Сиднейда ўтадиган Олимпиада ўйинлари ташкилий комитетидан чиқади, аммо ХОК аъзоси бўлиб қолаверади.

Собиқ жаллодлар маълумот беришмоқда

Чилидаги диктаторлик режимининг ҳарбийлари ва махсус хизмат агентлари Пиночет режимининг 140 қурбони тақдири ҳақида маълумот беришга тайёр. Уларнинг катта қисми, тахминан 60 фоизи океанга улоқтирилган, деб таъкидланмоқда. Чилилик икки сенатор — ҳукумат таркибидаги кўпчиликка мансуб христиан-демократ Хорхе Лавандеро ва миллий янгиланиш партиясининг ўнг-центристик оппозицияси аъзоси Марио Риос олган маълумотларда ана шулар қайд этилган.

Қонуншунослар бу далилларни собиқ жаллодларнинг ўзларидан олдилар. Парламентнинг юқори палатаси кўрсатмасига биноан, сенаторлар далилларни синчиклаб текширдилар ва собиқ офицерлар ҳамда халоқ бўлганларнинг қариндош-уруғларидан гувоҳлик кўрсатмалари тўпладилар.

Кузатувчиларга маълумки, бу маълумотлар Чили армияси раҳбарларининг ўтмиш ҳақидаги гап-сўзларга чек қўйиш ва ҳарбий режим йилларида инсон ҳуқуқларини бузишда айбдор бўлганларга нисбатан суд таъқибини тўхтатиш ҳақида айтилган фикрларидан сўнг пайдо бўлди. Хусусан, Чили ҳарбий денгиз кучлари бош қўмондони адмирал Хорхе Арансибиа «миллий тотувлик»га эришиш йўлида ғойиб бўлганларнинг тақдирини аниқлаш заруратини ошкора баён этди. Шу муносабат билан «Эль Меркурио» газетаси Арансибиа диктатура қурбонлари ҳокини қариндошларига бериш масалани ҳал этишнинг «калити» дея ҳисоблайди, деб ёзди. Чилининг бошқа бир газетаси «Ла Насьон» эса собиқ жаллодлар қурбонларнинг ҳалокати ҳақидаги маълумотларни беришга тайёр, деб ҳисобламоқда.

Мудофаа вазири баёноти

Халқаро тинчлик кучларининг Косководаги операцияларида иштирок этадиган немис ҳарбийлари яқин кунлар ичида Македония ва Албания орқали ушбу ўлкага киритилади. Германия мудофаа вазири Рудолф Шарпинг бу ҳақда баёнот бериб, немис ҳарбийлари Косовонинг жануби-ғарбида жойлашажагини маълум қилди.

Махсус вакил тайинланади

БМТ Бош котиби Кофи Аннан яқин вақт ичида Косово масалалари бўйича ўзининг махсус вакилини тайинлашини маълум қилди. Бош котиб расмий вакили Фред Эҳарднинг айтишича, махсус вакил тез кунда Косовога жўнайди. Ф.Эҳарднинг айтишича, ўлкага махсус вакил билан бирга БМТ миссияси ҳам боради. У инсон ҳуқуқлари масалалари билан шуғулланувчи кузатувчилар, полиция экспертлари ва жамоатчилик вакилларидан тузилади.

(ЎзА)



Англия кўчаларида

Омади учган қария

Флоридалик Тоби Полянски шундоққина бошига қўнган омад қушини калтак олиб қувлаганлардан. 65 ёшли Тоби ва 64 ёшли Тереза Полянскилар Тамна шаҳрида шаҳрида яшашади. Улар 1989 йилдан «LOTTO» ўйинининг ашаддий ишқибози эди. Эр-хотин ҳар ҳафтанинг шанбасида лотерея чиптасини сотиб олар, бир хил рақамларни чизишарди.

Афсус, шу йилнинг февралида қария улфатчиликни қуюқроқ қилиб, чипта олсада, чизишни унутиб қўйди. Буни қарангки, айнан шу куни эр-хотин ўн йил чизиб келган: 1, 8, 19, 23, 35, 39-рақамлар «ўйнабди».

Ўйинку, ўз йўлига, лотерея ўйнашнинг ёмон томониям бор-да. Узоқ йиллардан буён иноқ яшаб келаётган эр-хотин шу «ўйин» деб қўйди-чиқди бўлаяпти. Мана, Тереза момонинг даъвосини олинг-а:

— Жаннатнинг эшигидан ўз-ўзини ҳайдаган, мияси айниган шу чолни деб энди то умримнинг охиригача жаннатни телевизор орқали кўриб ўтираман. Ҳеч қачон унинг бу ахмоқлигини кечирмайман! Миллион-а, эҳ, миллион!

Чоли бўлса ўзини шундай оқлашга уринармиш:

— Тўғриси, албатта, лотерея олганимда одатдаги ўша (минг лаънат ўша рақамларга!) рақамларни белгилайман деб ўйловдим. Лекин, биз «болалар» билан шундай мазза қилиб ўтирдики, кегельбан ўйинимиз ҳам ёмон бўлмади. Шу қиттақдан «қиттак» ошириб юборибмиз, холос. Шунга шунчами? Аммо, яна 100 йил чипта олишга тайёрман. Ниятни яхши қилиш керак-да. Ахир 100 йилда яна қўнар ўша омад. Шунда маҳкам ушлайман. Бу омад эса «учиб» кетди.

Яхши ният яхши-да. Балки, ростанам 100 йилда Тобига омад яна кулиб боқса, ажабмас.

Сахийа САЙХУН
тайёрлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим вазирлиги Жаҳон тиллари университети қошидаги 309-хорижий тиллар академик лицейи

1999-2000 ўқув йилига 9-синфни битирган ўқувчиларни талабаликка қабул қилишни эълон қилади.

Лицейда:
1. *Инглиз*
2. *Араб*
3. *Форс*
4. *Хиндий*
5. *Урду ва бошқа хорижий тиллар чуқур ўргатилади.*

Лицейни тугатган талабалар юқорида кўрсатилган хорижий тилларни мукаммал ўрганиб, мутахассисликлари бўйича ишлаш ҳуқуқига эга бўладилар.

Академик лицейда ўқиш муддати 3 йил.

Лицейга кириш учун
1. *Директор номига ариза.*
2. *Таянч мактабни тугатганлиги ҳақида гувоҳнома (асл нусхаси).*
3. *3х4 ҳажмда фотосурати (6 дона).*
4. *086-У формасидаги тиббиёт маълумотномаси.*

Ҳужжат топшириш вақтида туғилганлик ҳақида гувоҳнома ёки паспорт кўрсатилади.
Аризалар 1 июлдан 31 июлгача қабул қилинади.

Бизнинг манзилгоҳ: Тошкент шаҳри Собир Раҳимов тумани Бобожонов кўчаси, 20-уй, тел: 48-02-71

Ўзбекистон Ёшларининг «Камолот» жамғармаси «Камолот-Мўтти» студияси 1999 йил 24-25-26 июнда атоқли санъаткор Ўзбекистон халқ артисти НАБИ РАҲИМОВнинг ёркин хотирасига бағишлаб

«КИЗИКЧИ-99»

кўрик-танловини ўтказади.

Танловнинг 1-босқичида вилоятлар ва шаҳарларда 20 июнгача 35 ёшгача бўлган ёшлар иштирок этадилар.

Танловда иштирок этишни хоҳлаганлар «Камолот» жамғармасининг жойлардаги бўлимларига мурожаат қилишлари мумкин.

Сахналаштирувчи режиссёр: Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» мукофоти совриндори Шерали Ҳожиев
Суровлар учун тел: 41-08-61

Тошкент давлат чет тиллар педагогика институти томонидан 1996 йил 10 июлда Рихсибоев Фарҳод Араббоевич номига берилган 110272 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» таҳририятлари жамоаси мухбир Шукур Жабборовга онаси

Мархабо ЖАББОРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ТАШКИЛОТ

«ВАЗ», «Москвич», «ГАЗ-24», «ГАЗ-53», «УАЗ», «ЗИЛ», «МАЗ», «КамАЗ» автомобиллари учун эҳтиёт қисмларни **сотади**

ҲАҚ ТЎЛАШ — ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти доирасида харидорнинг олборхонасигача бепул етказиб бериш мумкин

Манзил
Тошкент, Нукус кўчаси, 29 («Ўзбекистон» машиналар хизмат кўрсатиш уйи) — Мўлжал Шимолий темир йўл вокзали.
Телефон: 54-49-11.
Факс: 54-56-97
Пейжер: (067) 90-79

Турнир якунланди

SPORT

Тошкентдаги «Динамо» теннис кортларида «WTA — Тошкент open 1999» теннис бўйича Халқаро хотин-қизлар турнири ниҳоясига етди. Унда 21 мамлакатдан энг кучли спортчилар иштирок этди.

32 нафар теннисчи ютказган ўйиндан чиқади, тартибида қизғин баҳс юритди.

Исроиллик теннисчи Анна Смашнова ўз рақиблари устидан ишончли ғалаба қозониб, турнирнинг бош совринига эришди. Унинг бельгиялик теннисчи Лоуренс Куртуа билан 6:3, 6:3 ҳисобида ниҳоясига етган финал учрашуви барча теннис ишқибозларининг хотирасида қолади.

— Турнирнинг бош мукофотини қўлга киритганимдан жуда бахтиёрман, — деди Анна Смашнова. — Бу ерда, Тошкентда Лоуренс Куртуа каби кучли спортчилар билан беллашиш имкониятига эга бўлганимдан хурсандман.

Шахсий беллашувларда иккинчи ўринни эгаллаган Лоуренс Куртуа ташкилий қўмита ва тошкентликларга чин қалбдан миннатдорлик билдирди ва келаси йили яна Тошкентга келиш истагини маълум қилди.

Жуфтлик беллашувларида бош совринни россиялик теннисчи Евгения Куликовская ва австриялик Патриция Вартуш қўлга киритди.

Жуфтлик беллашувларнинг финал ўйинчилари испаниялик Гизела Риера ва Евгения Бес махсус совринлар билан мукофотланди.

Ўзбекистонлик спортчи Ирода Тўлаганова финалга чиқа олмаган бўлса-да, техник жиҳатдан юқори даражада тайёрланганлиги учун махсус соврин билан тақдирланди.

WTA номидан — Хотин-қизлар теннис уюшмасининг директори Клер Вуд Тошкент шаҳри ҳокимиятига турнирни ажойиб ташкил этганлиги учун миннатдорчилик билдириб, шаҳарга WTA кубогини туҳфа қилди. Ушбу турнир спортчилару мухлисларда яхши таассурот қолдирди.

Рустам ШАРИПОВ олган сурат

Халқ амалий санъати фидойилари

Эътироф

Америкалик иқтисодчи Ренсман Рональд Тошкентга келган кезларида бухоролик усталар ясаган пичоқ унинг қўлига тушиб қолади. Пичоқнинг кескирлиги, ясалишдаги ўзига хослик уни Бухорога етаклайди. Тўғри, Бухорода пичоқсозлар талайгина. Аммо ундаги ўзига хос рамзлар пичоқсоз устани топишда тезда кўмаклашади. Ака-укалар ўшанда пичоқларнинг бунчалар шуҳрат қозонишини, ҳатто хорижга олиб кетилишини хаёлларига ҳам келтиришмаган эди. Хорижлик меҳмон усталар ишини кўздан кечирар экан, ҳайратини яшира олмади.

— Бу — халқ амалий санъатининг бебаҳо дурдонаси. Бухорода шундай қўли гул усталар борлиги мени қувонтирди, — дея эътироф этган эди...

Эътироф инсонга қанот бағишлайди, унинг кучига куч қўшади. Ўша куни хорижлик меҳмон ясалган япон қиличидан «шогирдларимга» деб бир йўла қирқ дона харид қилди. Кўп ўтмай япониялик бир гуруҳ сайёҳлар ҳам япон қиличи Ўзбекистонда юксак дид билан ясалаётганини кўриб, совға сифатида олиб кетишди.

Тарихдан аёнки, қадим Бухоро қанчадан-қанча жангу жадаллар, урушларнинг гувоҳи бўлган. Ўшанда халқимизнинг ботир йигитлари қўлда қилич билан онаюрт ҳимояси учун жангга киришган. Ва табиийки, ўзбек қиличи, жумладан бухоролик усталар ясаган қиличлар ҳеч қачон соҳибига панд бермаган. Тошга урса учқунлар сачратиб букилмаган қиличларни эса бухоролик машҳур уста пичоқсозлар ясашган. Ўша пайтда улар кордсозлар деб юритилган.

Ака-ука Саъдулло ва Сайфулло Икромовлар ҳам ана шундай кордсозлар сулоласининг тўртинчи вакилидир. Азал-азалдан уларнинг ота боболари темирчилик касбини улуғлаб, ўз ҳунари билан халққа хизмат қилиб келишган. Оға-инилар темирчи оиласида улғайиб вояга етишди. Оталари Теша бобо Икромовни нафақат Бухорода, балки қўшни шаҳарларда ҳам машҳур уста сифатида эъзозлашиб, унга буюртмалар бериб кетишарди. Ота маҳоратининг эътироф этилиши, қадр-қиммат топиши болалар юрагида шу касбга меҳр уйғотди. Айниқса, Сайфулло ота касбига астойдил меҳр қўйди. Баъзан то тунга қадар устахонада қолиб кетар, ўзи ясаган пичоқ кўнглидагидек чиқмагунча уйга кетишни хаёлига келтирмасди. Ота касбига меҳр, тинмай изланиш ака-укаларни моҳир темирчи сифатида элга танитди. Улар ҳар сонияда оталари Теша бобонинг «Ўз ишингизга сидқидилдан, меҳр билан ёндошинглар, қалб қўрини бағишлаб яратилган буюм олдидан ҳеч ким бефарқ ўтолмайди», — деган ўгитларини бот-бот эслаб туришарди.

Дарҳақиқат, ота ўгитига амал қилиш, бу касбга бахшида бўлиб яшаш уларга чинакамига бахт ва омад келтирди. Ўтган йил ака-укалар ҳаётида ўчмас из қолдирди. Улар «Ҳунарманд» республика ассоциацияси аъзолигига қабул қилинди. Айниқса, Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида ўтказилган Халқаро ҳунармандлар кўргазмасида улар ясаган миллий ҳунармандчилик буюмлари, турли шаклдаги пичоқ, қилич, япон қиличлари кўпчиликда қизиқиш уйғотди.

Инсон меҳнатдан қадр топади, дейдилар. Ака-ука Икромовлар ҳам ўзларининг касбга бўлган муҳаббатлари, ота ўгитларига амал қилишлари туфайли одамларнинг юксак эътирофига сазовор бўлишди. Айни пайтда эса улар бу касбнинг давомийлигини таъминлаб, пичоқсозликнинг ноёб сир-асрорларини ўғиллари Самад, Салим, Самилларга ўргатишмоқда. От изини той босар дейдилар. Уларнинг ўғиллари ҳам оталари каби халқ ҳунармандчилигининг давомчилари бўлиб вояга етишса ажаб эмас.

Инобат ОЧИЛОВА

Жанжал, суд ва ...натижа

Кексалар кўп эслашади, яқин ўтмишда Чироқчи қишлоқларида ўзаро меҳр-оқибат ниҳоятда юқори эди. Хонадон соҳибаси тандирдан нонни узибоқ фарзандлари қўлига тутқазар, қўшниларига улашарди. Қўни-қўшнилар ўртасида девор ҳам бўлмасди...

Бугун ҳар бир ҳовли девор билан ўралгани балки шароитдандир. Аммо, қўшнилар ўртасидаги ерга талашиш, фарзандлари туфайли ўзаро ёқалашиш, тан жароҳати етказиш ҳолларичи? Уларни қандай баҳолаш мумкин?

Тўғри, Чироқчи катта эл. Туманда 230 мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Улар орасидан ўзаро жанжаллашиб судга қатнайдиганлар ҳам бўлиши табиий. Аммо, бундан ким кўпроқ ютқазади? Назаримизда, судланувчилар. Қолаверса, бунга дахдор бўлганнинг ҳаммаси бирдек азият чекади. Келинг яхшиси далилларга кўчайлик.

Судланувчилар Рўзигул Қулмирзаева ва Бўригул Жумуратовалар тумандаги «Зарбдор» жамоа хўжалигининг Равот қишлоғида туғилиб ўсган. Бўригул 52 ёшда, тўққиз нафар фарзанднинг онаси. Рўзигул эса 27 ёшда. Унинг икки нафар вояга етмаган фарзанди бор. Шу икки она ўтган йилнинг 19 август куни ўзаро жанжаллашиб қолдилар. Қарғиш ва ҳақоратлар ёқалашишгача бориб етади. Шу тариқа илгари сену-менга бормаган икки қишлоқдош аёл шифохонага ётиб даволанади. Табиийки, бу воқеа уларни суд эшигига етаклайди. Суд тиббиёт экспертизасининг хулосасига кўра ҳар иккаласи енгил тан жароҳат олганлиги қайд қилинади. Судланувчилар билиб-билмай жиноят содир этганлар. Ҳар иккиси ҳам ўз айбига иқрор. Пушаймонлигидан ташқари судга келганлигидан, хатга тушганликларидан юзлари шувит. Ҳатто судда ўзаро ярашганларини ҳам билдиришади. Суд ҳукм чиқаришда буларни инобатга олди, албатта. Ҳар икки аёл энг кам иш ҳақининг беш баробари миқдорида жаримага тортилди. Шунингдек, суд прокурор даъвосини ҳам қаноатлантириб, Б. Жумамуротованинг 7 кун даволанганлиги учун 1645 сўм (ҳар бир кунга 225 сўмдан) Рўзигулдан, Р. Қулмирзаеванинг 8 кун касалхонада даволанганлиги учун 1880 сўм Бўригулдан давлат фойдасига ундиришни лозим топди. Хуллас, суд тегишлича ҳукм ўқиди. Энди мулоҳаза қилинг, ўйланг, кимга фойда, кимга зарар. Шу ерда яна ўйлаб қоласан, бу жанжалларга уларнинг фарзандлари ҳам қўшилганда нима бўларди?

Абдурахмон КАРИМОВ,
Чироқчи туман суди раиси,
Эркин ЭСИРГАДИЕВ,
журналист.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-76-04
Котибият — 133-21-43
Факс — 133-38-55, 133-47-80, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-12-56;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир Алишер РЎЗИЕВ, навбатчи Бобомурод РАЙИМОВ

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ФАЙЗУЛЛАЕВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004
Газета офсет усулида, А—2 форматида, 23.819 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г —0440

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 2130
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Ўзбекистон Республикасининг барча тадбиркорлари ва илғор бизнесменлари Ўз ишингизни бошлаб юбориш имкониятини қўлдан бой берманг

Ўзмиллийбанкда АБР ва КфВ кредит йўналиши ҳисобидан хорижий валютадаги кредитлар Таклиф эълон қилинган вақтдан бошлаб 30 кун мобайнида амал қилади

Ўзмиллийбанк танлов эълон қилади ва намунавий лойиҳаларнинг қуйидаги турларини таклиф этади:

● «Textima export import Gmb» фирмасининг (Германия) қуввати соатига 150-210 кг мева ва сабзавот қоқисини тайёрлашни ташкил этиш, кредит суммаси 400000 АҚШ доллари;
Буюртмачига қўйиладиган асосий талаблар:
Молиявий
Ўз сармояси $ 98675
Шу жумладан сўм эквивалентидаги пул маблағлари $ 64800
Шунингдек валютада (банк комиссияларини, инвестиция давридаги фоизларни тўлаш учун) $28300
Техникавий
Ишлаб чиқариш майдони участка, 410 м²
Электр энергияси, қуввати 20 кВт
Ичимлик сув 1,5 м³/соат
Асосий хомашё сменада 1,5-2 тн.

● «Stessa SA» фирмаси (Франция) ускуналарида бир сменада 8000 дона ПЭТ-преформ ва уларга 19200 дона қопқоқ ишлаб чиқаришни ташкил этиш, кредит суммаси 420000 АҚШ доллари
Буюртмачига қўйиладиган асосий талаблар
Молиявий
Ўз сармояси $138427
Шу жумладан пул маблағлари $75539
** АҚШ долларида $36393*
** АҚШ долл.нинг миллий валютадаги эквиваленти $ 39146*
Техникавий
Ишлаб чиқариш майдони, бино 135 м²
Бино ичининг минимал баландлиги 4,5 м
Маъмурий бино 40 м²
Омборхона 50 м²
Электр энергияси, қуввати 85 кВт/соат
Босимли компрессор 8 атм.
Сув таъминоти ва канализация сменада 53 м³
Иссиқлик таъминоти 18-25 °С
Асосий хом ашё
Полиэтилентерафтолат сменада 320 кг
Полиэтилен сменада 48 кг

● Pack Line LTD фирмаси (Исроил) ускуналарида сменада 4800 л. ҳўл мева ва сабзавотни қайта ишлашни ташкил этиш, кредит суммаси 364121 АҚШ доллари
Буюртмачига қўйиладиган асосий талаблар
Молиявий
Ўз сармояси $121374
Шу жумладан пул маблағлари $47063
Техникавий
Ишлаб чиқариш майдони, участка 150 м²
Электр энергияси, қуввати 15 кВт
Асосий хомашё
Ҳўл мева ва сабзавот сменада 12-13 тн.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

❑ *тўлдирилган тендер аризаси (Т31 шакл);*
❑ *танлов қатнашчиси шартларига қўшилган лойиҳанинг техник-иқтисодий асосномаси;*
❑ *гаровнинг кредит миқдорининг камида 120% суммасида таъминланганлиги тўғрисидаги ахборот;*
❑ *танлов қатнашчиси ва ёки лойиҳа спонсорининг 3 йил ҳар чораги учун бухгалтерия ҳисоботи (1,2,5-шакллар), шунингдек, уларнинг лойиҳани молиялаштириш учун ўз сармояси борлигини тасдиқловчи бизнес режаси, бундай маблағлар етарли бўлмаган тақдирда Бизнес-фондининг етишмайдиган маблағни танлов қатнашчиси сармоясига қўшиши тўғрисидаги тасдиқномаси;*
❑ *таъсис шартномаси ва танлов қатнашчиси уставининг нусхалари;*
❑ *маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хомашё ва материалларни етказиб бериш ва ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиш ниятлари акс эттирилган мажлис баёнлари, шунингдек батафсил маркетинг тадқиқотлар;*
❑ *янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун лойиҳанинг барча ўлчовларига мос келадиган бино ва уни таъмирлаш учун маблағлар тўғрисидаги батафсил ахборот;*
❑ *танлов комиссияси ҳисоб варағига 10 минг сўм депозит ўтказилганлиги тўғрисидаги тасдиқнома ёки ана шу суммага банк кафолатининг нусхаси.*

Агар Сиз мазкур лойиҳалар амалга ошишидан манфаатдор бўлсангиз, қуйидаги манзилларга мурожаат қилинг:

Лойиҳаларни «Ўзинвестлойиҳа» Республика инженеринг компанияси билан боғлиқ масалалари бўйича,
Мониторинг бошқармаси
700000, Пушкин кўчаси, 88.
тел: (998 71) 133-63-43, 68-53-24, 68-52-36
факс: (998 71) 120-66-41, ёки компаниянинг исталган бўлимига

Тендер шарти ва Ўзмиллийбанкда тендер аризаларини қабул қилиш бўйича,
Лойиҳаларни молиялаш маркази,
Кичик ўрта бизнес лойиҳалари бошқармаси, 16-қават
700084, Амир Темур кўчаси, 101,
тел.: (998 71) 137-59-47, 137-62-73, 137-62-74, 137-62-75
факс: (998 71) 34-04-53, ёки банкнинг исталган бўлим ва филиали
Тендерда қатнашишга тайёргарликда кўмаклашиш бўйича
Товар ишлар чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари ҳамда жойлардаги деҳқон ва фермер хўжаликларининг вилоят ассоциациялари.

NBU

Ҳамиша биз билан бирга бўлинг!
Реклама ва эълонлар учун телефонлар:
«Ўзбекистон овози» — 133-47-80, 133-38-55
«Голос Узбекистана» — 136-26-70,
«Осиё бозори» — 133-06-83